

Партисипатор бюджетлаштириш ва уни Ўзбекистонда қўллаш долзарблиги

Ж.Бахронов
И.Жуманиязов
ТМИ

Аннотация: Ушбу мақолада бюджет жараёнида фуқароларнинг иштирокига асосланган бюджетлаштиришнинг замонавий усулларида бири ҳисобланган “Партисипатор бюджетлаштириш”нинг назарияси ва амалиёти ҳақида ёритилган. Партисипатор бюджетлаштиришнинг Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари таҳлил қилинган. Партисипатор бюджетлаштиришнинг хориж тажрибаси тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Партисипатор бюджетлаштириш, бюджет маблағлари, бюджет жараёни, фуқаролар иштироки, бюджет маблағларини тақсимлаш, солиқ-бюджет сиёсати

Participatory budgeting and its relevance in Uzbekistan

J.Bakhranov
I.Jumaniyazov
TMI

Abstract: This article describes the theory and practice of “Participatory budgeting”, which is one of the modern methods of budgeting based on the participation of citizens in the budgeting process. The possibilities of using participatory budgeting in Uzbekistan are analyzed. The foreign experience of participatory budgeting is studied.

Keywords: Participatory budgeting, budget funds, budget process, citizen participation, allocation of budget funds, tax-budget policy

Бугунги кунда кўплаб мамлакатларда амалга оширилаётган ва “Халқаро бюджет ҳамкорлиги” халқаро ташкилоти томонидан баҳоланган партисипатор бюджетлаштириш ва бюджет очиқлиги сиёсатининг ривожланиши кўп умумий жиҳатларга эга. Хусусан, ушбу партисипатор бюджетлаштиришда фуқаролар бюджет жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида кўришимиз мумкин. Узоқ вақт давомида иккита жараён бир-бирига параллел равишда ривожланган,

уларнинг интеграциясини амалга ошириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

“Партисипатор бюджетлаштириш” учта асосий мақсадга эга:

- *Шаффофлик*: фуқароларга жорий бюджет тўғрисида ва бюджетни режалаштиришнинг аниқланган элементлари тўғрисида маълумот берилади. Жараёни шаффоф қилиш маблағларни самарасиз ёки нотўғри ишлатилишини олдини олишга ёрдам беради.

- Жамият учун муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳада *фуқароларнинг иштироки ёки биргаликда қарор қабул қилиши*: маҳаллий маъмурият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар яхшиланади ҳамда фуқаролар ҳудудда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида кўпроқ хабардор бўлишади.

- Давлат харажатлари *фуқароларнинг манфаатларига кўпроқ мос келади*: жамоат иштирокчилари учун маҳаллий маъмурият давлат маблағларини амалдаги эҳтиёжларга мувофиқ қандай сарфлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ва адолатли тақсимлаш учун бюджет устуворликларини қайта кўриб чиқиши мумкин.

Халқаро тажрибадан маълумки, партисипатор бюджетлаштириш 1989 йилда биринчи марта Бразилиянинг Порто-Алегри шаҳрида қўлланилган. Маъмурият фуқароларга шаҳар бюджетининг бир қисмини қандай тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш имкониятини берди. Бугунги кунда, ўттиз йиллик муваффақиятли амалиётдан сўнг, Порто-Алегри фуқаролари шаҳар бюджетининг 20 фоизини тақсимлайдилар.

Мазкур бюджет амалиётини Ғарбий ва Шарқий Европадаги 20 дан ортиқ давлатлар, Лотин Америкаси, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея ва бошқа кўплаб давлатлар муваффақиятли қўлламоқда. Масалан, Ҳиндистоннинг Керала штатида партисипатор бюджетлаштириш амалиёти 1996 йилда тўлиқ амалга оширилган бўлиб, фуқаролар 24 йилдан кўпроқ вақтдан бери бюджет жараёнида иштирок этиб келмоқда. Уни ишга туширишда барча босқичлардаги маслаҳат ёрдами 373 та давлат инструкторлари томонидан олиб борилган.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ушбу амалиётни маҳаллий ҳукуматлар томонидан амалга оширилишида асос сифатида аниқ принциплар, механизмлар ва тартиблар қўлланилади. Уларни қанчалик пухта ва мукамал ишлаб чиқилганлиги жараёни муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайди. Охириги йилларда қатор мамлакатларда унинг ривожланишининг асосий тенденцияларини аҳоли қамровини ошириш учун интернет-технологиялардан, маълум бир мақсадли гуруҳлар (ёшлар, мигрантлар)ни ҳисобга олган партисипатор бюджетлаштириш механизмидан фойдаланиш, бюджет очиклиги сиёсатига партисипатор бюджетлаштиришнинг интеграцияси,

партисипатор бюджетлаштириш механизмига асосланган қатор инновацион амалиётларнинг пайдо бўлишида кўришимиз мумкин.

Республикамизда 2018 йилдаги PEFA методологияси бўйича амалдаги бюджет тизимининг танқидий таҳлили, давлат молиясини бошқариш самарадорлигини баҳолаш натижалари ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг шаффофлик Кодекси асосида солиқ-бюджет сиёсати очиқлиги юзасидан ўтказилган диагностик баҳолашлардан келиб чиқиб сўнгги икки йилда давлат молияси бошқаришни такомиллаштириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги ва шаффофлигини ҳамда фуқароларни бюджет жараёнидаги иштирокини таъминлаш мақсадида:

- 2018 йилдан бошлаб “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашри ишлаб чиқилмоқда;

- Давлат бюджети тўғрисида батафсил маълумотлар жойлаштирилиб келинаётган “Очиқ бюджет” (www.openbudget.uz) ахборот портали 2019 йилнинг январ ойидан бошлаб ишга туширилди;

- Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги маълумотлар Давлат молиявий статистикаси (GFS) стандартларига мувофиқ шаклда Халқаро валюта жамғармасининг сайтыда жойлаштириб борилмоқда;

- 2019 йилдан бошлаб туман ва шаҳар бюджетларида ҳосил бўладиган қўшимча манбаларининг камида 10 фоизи фуқаролар томонидан билдирилган тадбирларга асосан йўналтириш механизми жорий этилди;

- Бюджет маблағларини тасарруф этувчилар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бюджет маблағларидан фойдаланиш жараёнини тўлиқ ўз расмий сайтларида эълон қилиб боришларини тартибга солувчи қонун ва қонуности ҳужжатларига тегишли нормалар киритилди.

Шунингдек, 2020 йилдан бошлаб илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети лойиҳаси илк бора Қонун шаклида қабул қилинди ҳамда вазирлик ва идораларнинг ваколат ва масъулиятини ошириш мақсадида бюджет харажатлари аввалгидек соҳалар бўйича эмас, балки вазирлик ва идоралар кесимида тасдиқланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси республика бюджети харажатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари томонидан, маҳаллий бюджетлар эса тегишли халқ депутатлари кенгашлари томонидан тасдиқлаш амалиёти жорий этилди.

“Очиқ бюджет” (www.openbudget.uz) ахборот портали ва туман (шаҳар) бюджетлари қўшимча манбаларининг 10 фоизидан кам бўлмаган қисмини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришни назарда тутувчи бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар иштироки

“Ташаббусли бюджет” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сон қарорига асосан жорий этилиб, давлат бюджети даромадлари ва харажатлари, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумотларининг мамлакатимиз фуқаролари, инвесторлар ва ташқи фойдаланувчиларга сифатли етказилишида ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда. “Ташаббусли бюджет” доирасида амалга ошириладиган тадбир ошқора ва аҳоли иштирок этишига қулай бўлиши учун молиялаштиришга таклифлар ва таклифларга берилган овозларни шакллантириш “Очиқ бюджет” (www.openbudget.uz) ахборот портали орқали амалга оширилмоқда ва жамоатчилик фикрига йўналтириладиган маблағ миқдори ҳудудлар кесимида эълон қилинмоқда.

“Ташаббусли бюджет” натижаларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2019 йил давомида республика бўйича “Ташаббусли бюджет” амалиёти натижасида туман (шаҳар)лар фуқароларидан www.openbudget.uz очиқ бюджет ахборот порталида жами 52 634 та таклиф ва овозлар келиб тушган ва аҳоли таклифларига кўра ажратилган маблағлар жами 113 млрд. сўмни ташкил этган.

Жумладан, биринчи чорак яқунларига кўра, жами шаклланган қўшимча маблағлар 253,3 млрд. сўмни ташкил этган, туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларини йўналтиришда фуқаролардан жами 4049 та таклиф ва овозлар келиб тушган, аҳоли таклифларига кўра 28,9 млрд. сўм маблағлар ажратилган. Иккинчи чорак яқунлари бўйича, жами шаклланган қўшимча маблағлар 437,9 млрд. сўмни ташкил этган, туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларини йўналтиришда фуқаролардан жами 19 976 та таклиф ва овозлар келиб тушган, аҳоли таклифларига кўра 48,3 млрд. сўм маблағлар ажратилган. Учинчи чорак яқунлари бўйича эса, жами шаклланган қўшимча маблағлар 333,6 млрд. сўмни ташкил этган, туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшча манбаларини йўналтиришда фуқаролардан жами 28 609 та таклиф ва овозлар келиб тушган, аҳоли таклифларига кўра 35,8 млрд. сўм маблағлар ажратилган.

“Туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ–197, 07.04.2022 й.) қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларида ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 139 та лойиҳани амалга ошириш учун қўшимча равишда 85,4 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Қарорга кўра, ҳокимлар ҳар ойда ОАВ вакиллари иштирокида ташаббусли бюджет тадбирлари молиялаштирилиши ва бажарилиши тўғрисидаги

ҳисоботларни жамоатчиликка эълон қилиб боради. 2022 йилнинг биринчи чорагида ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёни натижалари бўйича фуқаролар томонидан илгари сурилган 2 215 та лойиҳа ғолиб деб топилиб, лойиҳаларни амалга ошириш учун 1,1 триллион сўм маблағ ажратилиши эълон қилинганди.

“Ташаббусли бюджет” жараёнининг Тошкент шаҳри Юнусобод туманида 2022 йил охири бўйича натижаларини қуйидаги жадвалларда кўришимиз мумкин:

“Ташаббусли бюджет” жараёнининг натижалари¹

Юнусобод тумани		"31" "Декабр" 2022 йил ҳолатига
		I-жадвал
Т/р	Кўрсаткич номи	Сумма (минг сўм)
1.	Йил (2022 йил) бошига қолдик	1 297 500,0
2.	Фуқаролар ташаббуси жамғармасига ўтказилган маблағлар	17 993 427,3
3.	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган (ғолиб деб топилган) тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар	16 474 420,0
3.1.	Тадбирларни амалга ошираётган пудратчи ташкилотларга бажарилган ишлар учун тўланган маблағлар (қасса харажати)	16 016 052,5
3.2.	Тадбирларни молиялаштиришга ажратилган, бироқ пудратчи ташкилотларга тўлаб берилмаган қолдик маблағлар	208 484,7
4.	Фуқаролар ташаббуси жамғармасидаги қолдик маблағлар	2 816 507,3

“Ташаббусли бюджет” жараёнини молиялаштириш кўлами ортади. 2023 йилда ҳар бир туман ва шаҳарда 6 млрд сўмдан кам бўлмаган маблағлар ажратилиши ҳисобига келгуси йилда Ташаббусли бюджет жараёнлари учун 2 трлн сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилиши кутилмоқда. Бунинг натижасида, 53 та туман ва шаҳарларда (тасдиқланадиган бюджетлари миқдори кам бўлишига қарамай) 6 млрд сўмдан маблағ йўналтирилиши кутилмоқда. Мисол учун, Ғазғон шаҳрида 2022 йилда 900 млн сўм маблағ ажратилган бўлса, 2023 йилдан бошлаб мазкур ҳудудга 6 млрд сўм маблағ йўналтирилади.

Жойларда фуқароларни қийнаб келаётган долзарб муаммоларни ҳал этилиши кўламини кенгайтириш мақсадида 2023 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетининг қўшимча маблағларининг 30 фоизи ҳам фуқаролар фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилиши белгиланмоқда. Эслатиб ўтамиз, амалда фақат туман ва шаҳар бюджетлари қўшимча маблағларининг камида 30 фоизи Ташаббусли бюджет жараёнлари учун йўналтирилиши белгиланган. Натижада, келгуси йилдан бошлаб ушбу мақсадлар учун тегишинча туман ва шаҳарларга қўшимча равишда 1 трлн сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилиши кутилмоқда. Ушбу ўзгаришларни

¹ Тошкент шаҳри Юнусобод тумани молия бўлими маълумотлари асосида тайёрланган

инобатга олган ҳолда 2023 йилда жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришга 8 трлн сўм маблағ йўналтирилиши кутилмоқда. “Ташаббусли бюджет” жараёнининг Тошкент шаҳри Юнусобод туманида 2022 йил охири бўйича натижалари²

2-жадвал

Т/р	Бажарилган тадбирлар номи	Молиялаштирилган тақлифлар сони	кўрсаткичлар		
			ўлчов бирлиги	миқдори	сарфланган маблағлар (касса харажати)
1.	Худудий ички йўллар	-	умумий узунлиги	-	-
2.	Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жихозлаш	26	сони	26	13 305 116,1
3.	Мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва жихозлаш	6	сони	6	1 809 872,9
4.	Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва жихозлаш	-	сони	-	-
5.	Бошқа ижтимоий соҳа муассасаларини таъмирлаш ва жихозлаш	2	сони	2	901 063,2
6.	Ичимлик суви таъминотини яхшилаш	-	умумий узунлиги	-	-
7.	Кўча чирокларини ўрнатиш	-	чироклар сони	-	-
8.	Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш	-	тадбирлар сони	-	-
9.	Бошқа тадбирлар	-	сони	-	-
-	Жами:	34	х	34	16 016 052,2

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, фуқаролар давлат бюджетининг маълум қисмини тақсимлашда бевосита қатнашадиган жараён сифатида партисипатор бюджетлаштириш ҳукумат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг янгича замонавий ёндашуви, бюджет жараёнига жамоатчиликни жалб этишнинг таъсирчан механизми десак бўлади. Ушбу амалиёт давлат ресурсларини янада адолатли тақсимлаш имкониятини яратади.

Фикримизча, ўрта муддатли истиқболда бюджет жараёнида жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш борасида:

Биринчидан, бюджетни тайёрлаш жараёнига ҳамда ўрта муддатли бюджетнинг устувор йўналишларини муҳокама қилишга жамоатчилик иштирокини таъминлашнинг очиқ механизмларини кенг қўллаш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Иккинчидан, олиб борилаётган бюджет сиёсатини аҳолининг ҳар хил қатламаларига таъсирини ўрганиш ҳамда бюджет сиёсатида қабул қилинаётган қарорларни аҳоли томонидан яхшироқ тушунилиши учун уларнинг натижаларини эълон қилиш.

² Тошкент шаҳри Юнусобод тумани молия бўлими маълумотлари асосида тайёрланган

Учинчидан, “Ташаббусли бюджет”ни халқаро даражадаги партисипатор бюджетлаштириш амалиёти каби бюджетнинг очиклиги ва шаффофлиги билан уйғунликда босқичма-босқич ривожлантириш, уни бошқаришни замонавий ёндашувлар асосида ташкил этиш;

Тўртинчидан, фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали бюджет жараёнида улар иштирокини фаоллаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабийотлар

1. Г.Хачатрян, И.Шульга, С.Гридин, А.Сухова/ Особенности Программы поддержки местных инициатив Всемирного банка как практики инициативного бюджетирования/ Аналитическая записка, Октябрь, 2016г.

2. Партиципаторный бюджет. Как граждане участвуют в распределении муниципальных средств. Комитет гражданских инициатив [Электронный ресурс] Режим доступа: URL: <https://komitetgi.ru/news/news/1799>.

3. Gavrilova Nadezhda Vladimirovna. Participatory planning and budgeting at the local level in the Indian state Kerala. Regional economy and management: electronic scientific journal. №1 (49) 2017. <https://eee-region.ru/article>.

4. Gavrilova Nadezhda Vladimirovna. Participatory planning and budgeting at the local level in the Indian state Kerala. Regional economy and management: electronic scientific journal. №1 (49) 2017.

5. Jumaniyozov, I. T. (2021). The Progressive Foreign Experiments in the Activity of Sovereign Wealth Funds. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 109-116.

6. Jumaniyozov, I. (2018). Impact of Development Finance Institutions on Economic Growth: Implications for Reconstruction and Development Fund of Uzbekistan. International Journal of Management Science and Business Administration, 4(2), 84-88.

7. Jumaniyozov, I. (2020). ISSUES OF ENSURING THE TRANSPARENCY OF SOVEREIGN WEALTH FUNDS. International Finance and Accounting, 2020(5), 1.

8. Jumaniyozov, I. (2020). FOREIGN EXPERIENCE IN THE ACTIVITIES OF SOVEREIGN FUNDS. International Finance and Accounting, 2020(2), 1.

9. Jumaniyozov, I. T. (2021). Transparency Is A Key Indicator Of The Activity Of Sovereign Wealth Funds. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(05), 30-37.

10. Жуманиязов, И. Т. (2016). Основные задачи Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан. Наука, образование и культура, (7 (10)), 27-28.

11. Жуманиязов, И. Т. (2016). Направления использования средств Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан. Economics, (7 (16)), 28-29.

12. Jumaniyazov, I. T. (2022). O'zbekistonda davlat moliya tizimidagi islohotlar va rivojlantirish istiqbollari. *Science and Education*, 3(5), 1637-1645.

13. Inomjon Turaevich Jumaniyazov, & Bexruz Hazratov (2022). Foreign experience in the development of special economic zones in Uzbekistan. *Science and Education*, 3 (5), 1628-1636.

14. Jumaniyazov Inomjon Turaevich, & Juraev Maqsud Annaqulovich (2022). Korxonalarda moliyaviy qarorlar qabul qilish va risklarni baholash usullari. *Science and Education*, 3 (5), 1646-1654.

15. Jumaniyazov, I. T. (2019). The impact of Uzbekistan Reconstruction and development fund's expenditure on GDP growth. *Science, research, development № 16. Monografiya pokonferencyjna.*

16. Khidirov, N. (2020). Specific features of financing investment activity of industrial enterprises. *International Finance and Accounting*, 2020(1), 31. <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss1/31>

17. Khidirov, N.G. (2020). Methods and mechanisms of financing investment activities in industrial enterprises // *International Journal of Economics, Commerce and Management*. – United Kingdom, 2020. Volume 8, Issue 7, 310-325 p. <https://www.researchgate.net/publication/352364091>

18. Khidirov, N. (2021). Mechanisms and methods of financing enterprise investment projects // *Journal of Economics, Finance and Management Studies*. – USA, 2021. Volume 4, Issue 05. 475-482 p. DOI: 10.47191/jefms/v4-i5-16. <https://www.researchgate.net/publication/351675916>

19. Ulug'bek, S. O., & Xidirov, N. G. (2022). Real sektor korxonalarini investitsion loyihalarini moliyalashtirishda bank kreditlarining rolini oshirish va kredit riskini hisobga olish masalalari. *Science and Education*, 3(2), 1482-1488. <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/2693>

20. Sotvoldiyev, A. I., & Xidirov, N. G. (2022). Dinamik modellarni iqtisodiyotda qo'llanilishi. *Science and Education*, 3(3), 1128-1137. <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/2890>

21. Jumaniyazov, I., & Xaydarov, A. (2023). The importance of social insurance in social protection. *Science and Education*, 4(1), 1033–1043. Retrieved from <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/4941>